Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 8 август, № 152 (6082) Жума

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

ИЗЧИЛ ВА КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР

самараси мамлакатимизда фармацевтика саноати индустриясининг янада ривожланишида ҳам яққол намоён бўлмоқда

ЖАРАЁН

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида юртимизда барча соҳалар каби соғлиқни сақлаш тизими ҳам бутунлай ислоҳ этилди. Юз берган ижобий ўзгаришлар самараси ўлароқ, мамлакатимизда даволаш муассасаларининг сифат жиҳатидан мутлақо янги ва мукаммал тизими яратилди.

Хусусан, биз айни пайтда тиббиётимиз қанчалик юксалганини биргина фармацевтика соҳасининг янги саноат тармоғи сифатида жадал ривожланиб бораётгани мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Шуни айтиш лозимки, истиқлолгача дори-дармон ва тиббий буюмларнинг деярли барчаси четдан келтирилар, юртимиз фармацевтика бозоридаги маҳсулотларнинг атиги икки фоизигина маҳаллий корхоналар ҳиссасига тўғри келарди. Тизимда, бор-йўғи, иккита корхона фаолият кўрсатар, улар томонидан 20 га яқин турдаги дори воситалари ишлаб чиқариларди холос.

Мустақиллик туфайли мамлакатимизда фармацевтика саноатини ривожлантириш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилгач, бу борадаги кўрсаткичлар тубдан ўзгарди. Аввало, ушбу соҳанинг ҳуқуқий замини яратилди. Аҳолини безарар ва самарадор дори воситалари билан таъминлашни кўзловчи “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”, “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги каби қатор қонунлар қабул қилинди. Таъбир жоиз бўлса, ушбу ҳужжатлар дори воситалари муомаласини тартибга солиш ва уни такомиллаштиришга мустаҳкам замин яратди.

Шунингдек, соҳага инновацион технологиялар жорий қилиниб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда Президентимизнинг 2007 йил 19 ноябрда қабул қилинган “2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида”ги қарори дастуриламал вазифасини ўтади.

— Ушбу ҳужжат туфайли миллий фармацевтика саноатини ривожлантириш, тармоқда маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш, илмий тадқиқот фаолиятини кенгайтириш ва янги ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш борасида замонавий тизим шакллантирилди, — дейди республика соғлиқни сақлаш вазирлиги Бош бошқарма бошлиғи Ҳабибулло Жалилов. — Шунинг баробарида маҳсулот ишлаб чиқариш сифати ва салмоғи ошди. Тармоқ корхоналарини тубдан қайта қуриш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, чет эл инвестицияларини жалб этиш ишлари қизғин паллага кирди.

Бугун юртимизда дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга 140 дан ортиқ маҳаллий фармацевтика корхоналари самарали фаолият кўрсатаяпти.

Улар томонидан

2000 га

яқин номдаги дори препаратлари, тиббий буюм ва тиббий техника воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 7 август куни Ўзбекистон ва Япония ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН – ЯПОНИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, нефть-газ, сайёҳлик, автомобилсозлик, кончилик, геология, озиқ-овқат, кимё, енгил саноат, тўқимачилик, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маркетинг, суғурта, экспорт-импорт, алоқа, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ҳамда концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Элёр Ғаниев Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий жабҳада изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг февраль ойида Японияга расмий ташрифи ўзаро муносабатларни янги босқичга олиб чиқди.

Япония Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий шерикларидан. Мамлакатимиз учун Осиё-Тинч океани давлатлари билан алоқаларни кенгайтиришда Япония билан муносабатларни ривожлантириш муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон билан Япония ўртасида 2002 йилда имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги кўшма баёнот ўзаро муносабатларнинг изчил ривожланишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланаётган иқтисодиёти, бизнес юритиш учун яратилган кенг имконият ва имтиёзлар, преференциялар ҳамда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик чет эллик бизнесменларнинг, жумладан, япониялик ишбилармонларнинг мамлакатимиз билан фаол ҳамкорлик қилишга қизиқишини тобора оширмоқда.

Ўзбекистон ва Японияннинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. 2013 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 215 миллион АҚШ долларидан ошди. Япония томонидан Ўзбекистонга киритилган молиявий-техникавий воситаларнинг умумий ҳажми 2 миллиард долларидан зиёддир.

Ўзбекистонда Япония сармояси иштирокида тузилган ўн икки кўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, металлни қайта ишлаш, транспорт, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, енгил саноат ва савдо операциялари каби соҳаларга ихтисослаштирилган. Юртимизда ушбу мамлакатнинг ўн бир етакчи компанияси ўз ваколатхонасини очган.

(Давоми 2-бетда).

ҚАРОР ВА ИЖРО

Мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий мулкчиликнинг улушини кўпайтириш, ушбу жараёнга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусийлаштириш амалиётининг соддалаштирилиши

кичик бизнес субъектлари равнақига хизмат қилади

Бунда, табиийки, соҳа ривожи учун хизмат қилувчи ҳуқуқий базанинг тобора мустаҳкамланиб бораётгани айни муддао бўлаётир. Президентимизнинг 2014 йил 3 июлдаги “Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ана шундай муҳим ҳужжатлардан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида ташкил этилган матбуот анжумани ҳам ушбу қарор аҳамиятига бағишланди. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, мазкур қарор бутун мазмун-моҳиятига кўра, хусусийлаштириш жараёнидаги ишларни тизимли равишда давом эттириш учун навбатдаги босқични бошлаб берди. Унда ялпи хатлов натижасида аниқланган объектлар ва бўш қолган ер майдонларини самарали ишлатиш юзасидан бир қатор вазифалар қайд этилганки, буларнинг бари республикамиз иқтисодиёти равнақига хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

Меҳр-оқибат ва осойишталик қўрғони

Бугун юртимизда 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида фаоллик кўрсатиб келмоқда.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Бу, аввало, маҳаллалар ҳудудини обод қилиш, янги маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ишга туширишорқали аҳоли, хусусан, аёллар ва ёшларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, она-Ватан ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида камолга етказиш, жойларда тинчлик ҳамда осойишталикни таъминлаш борасидаги ишлар мисолида кўзга яққол ташланиб турибди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрами тобора яқинлашиб келаётган шу кунларда бу борадаги саъй-ҳаракатлар кўлами кенгайиб, янгича суръат олмоқда. Пойтахтимизнинг Ҳамза туманида жойлашган “Бирлашган” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам ана шундай изланишларнинг гувоҳи бўлдик. Маҳаллада амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини кўрган кишининг баҳридили очилади. Масалан, бу ерда кўркам, ораста маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш шохобчалари, савдо дўконлари ҳамда новвойхоналар бир маромда ишлаб турибди. Кўплаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари самарали фаолият кўрсатаяпти. Ҳозирги кунга келиб уларнинг умумий сони 65 тага етди. Муҳими, аксарият субъектларда маҳалла аҳолиси, кўпроқ ёшлар меҳнат қилмоқда.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви маълумотига кўра, “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижроси доирасида 2014 йилнинг биринчи ярмида маҳаллалар ҳудудида 34 мингдан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес субъектлари ташкил этишга кўмаклашилди. Уларда 42 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди. Натижада 24 мингдан ортиқ хотин-қизлар ва 16 мингдан зиёд ёшларнинг бандлиги таъминланди.

(Давоми 2-бетда).

САЙИЛ

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 23 йиллигини муносиб нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Дилларда байрам шукуҳи, ифтихор ҳисси

Президентимизнинг жорий йил 1 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти.

Куни кеча Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остидаги республика анжуманида ҳам халқимизнинг турмуш тарзи фаровонлашиб бораётгани, маҳаллалар ободлиги, аҳолига маданий хизмат кўрсатиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар амалий ва кўргазмали тарзда акс эттирилди.

(Давоми 3-бетда).

www.xs.uz

«Халқ сўзи» газетаси сайтида ўқинг

Тараққиёт йўлида собит ҳамкор

Давлатимиз раҳбари бошчилигида тарихан жуда қисқа, шу билан бирга, ҳар бир йили асрларга тенг бўлган даврда жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳалари каби банк тизимида ҳам улкан ўзгаришлар юз берди. Натижада мустаҳкам асос ва мукаммал инфратузилмага эга, барқарор ва ишончли фаолият юритувчи банк тизими барпо этилди.

ИЗЧИЛ ВА КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР

самараси мамлакатимизда фармацевтика саноати индустриясининг янада ривожланишида ҳам яққол намоён бўлмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Энг муҳими, айни пайтда 17 та маҳаллий фармацевтика корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган 45 турдаги дори воситалари ва тиббий буюмлар қатор давлатларга экспорт қилинмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, бир вақтлар эҳтиёжнинг, бор-йўғи, икки фоизини ўзида ишлаб чиқарган мамлакатимизнинг эндиликда жаҳон фармацевтика бозорида муносиб ўрин топиб, экспорт қилувчи давлатга айланаётганлиги диққатга сазовордир. Зеро, сармоядорлар учун яратилган қулай инвестициявий муҳит, имтиёз ва рағбат соҳага кўплаб ишбилармонларни жалб этмоқда. Ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг қадоқланиши, таркиби жаҳон стандартларига тўла жавоб беради. "Ўзфармсаноат" давлат-акциядорлик концерни таркибидаги 8 та корхонада GMP, 24 та корхонада ISO 9001 халқаро сифат кўрсаткичлари бўйича сертификациялаш амалга оширилганлиги бунинг яққол мисолидир. Ўз-ўзидан аёнки, бу маҳсулот турини кўпайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш имконини кенгайтирмоқда. Шу йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида ишлаб чиқариш ҳажми 248,5 миллиард сўмни ташкил этди. Экспорт ҳажми эса 4808,6 минг АҚШ долларига тенг бўлди.

— Тан олиш керак, бугун дунё фармацевтика саноатида рақобат юқори, кўп йиллик тажрибага эга бўлган рақобатчилар ҳам етарли, — дейди "Ўзфармсаноат" давлат-акциядорлик концерни бўлим бошлиғи Равшан Ортиқов. — Шундай бўлса-да, мамлакатимизда соҳани ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар бизни ана шу майдонда ўз ўрнимизни топишимиз ва мавқеимизни янада мустаҳкамлашимизни тақозо этади.

Юртимизда импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга талайгина қулайлик ва имтиёзлар яратилган. Бундай узоқни кўзлаб амалга оширилаётган тадбирлар миллий фармацевтика саноатини ривожлантириш, тайёрланаётган маҳсулот ҳажмини ошириш баробарида, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилиши, шубҳасиз.

Шу ўринда республикамиз фармацевтика саноати ривожланишида "Дори-дармон" акциядорлик компанияси ҳам ўз ўрнига эгалигини таъкидлаш жоиз. Зеро, компания фармацевтика бозорида ишонч билан фаолият юритиб келаётган ва изчил ривожланаётган, республика аҳолиси ҳамда даволаш-профилактика муассасаларини кенг турдаги сифатли дори воситалари билан таъминлаётган йирик корхоналардан бири ҳисобланади.

Ҳозир компания таркибида 8 та акциядорлик жамияти ва 10 та шўъба корхона, 17 та дорилар омборхонаси, 15 та назорат-таҳлил лабораторияси ҳамда республикамизнинг барча ҳудудларида жами 1300 дан ортиқ дорихона муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу дорихоналарнинг аксарият қисми қишлоқ жойларда, шу жумладан, 707 таси қишлоқ врачлик пунктларида жойлашган.

Бундан тўрт йил муқаддам компаниянинг ҳудудий бўлинмалари томонидан махсус жиҳозланган 14 та изотермик автомобилларда кўчма дорихоналар фаолияти йўлга қўйилган эди. "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида бу борадаги ишлар кўлами янада ортмоқда. Яқинда ушбу муассаса томонидан яна бир ижтимоий лойиҳа амалга оширилди. Гап шундаки, чекка ҳудудларда яшайдиган аҳолини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида махсус жиҳозланган "Damas" автомобиллари негизида қўшимча кўчма дорихоналар ташкил қилинди.

Бунинг учун "GM Uzbekistan" ёпиқ акциядорлик жамияти мутахассислари билан биргаликда кўчма дорихонанинг экспериментал модели яратилди. Уларнинг ички жиҳозланиши маъқулланганидан сўнг 50 та махсус автомобиль ишлаб чиқарилиб, тегишли равишда жиҳозланди. Яъни автомашина ичига дори воситалари ва тиббий буюмларни жойлаштириб, савдони амалга ошириш учун жавон ҳамда музлаткичлар ўрнатилди.

Мазкур кўчма дорихоналар мамлакатимизнинг энг олис ҳудудларидаги аҳолини сифатли ва арзон нархдаги дори воситалари билан таъминлашни янада яхшилаш ҳамда аҳолининг дори воситаларига бўлган талабини узлуксиз равишда қондиришга хизмат қилади. Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида "Дори-дармон" акциядорлик компанияси томонидан махсус жиҳозланган 50 та "Damas" автомобили Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларга етказиб берилди.

— Ҳар бир кўчма дорихона орқали 500 турга яқин сифатли дори-дармонларни арзонлаштирилган нархларда Оролбўйи аҳолисига етказиб бераяпмиз, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси "Дори-дармон" акциядорлик жамияти раҳбари Гулистон Собирова. — Уларда, асосан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дори воситалари, шифобахш ўсимликлардан тайёрланган дамламалар мавжуд. Кўчма дорихоналар хизматидан дастлаб Мўйноқ, Элликқалъа, Беруний ва Нукус туманлари аҳолиси баҳраманд бўлди.

Табиийки, бу эзгу ташаббус мамлакатимиз раҳбари бошчилигида юртимизда инсон саломатлигини асрашга бўлган юксак эътибор ва чексиз ғамхўрликнинг амалий ифодасидир. Қолаверса, республикамиз фармацевтика бозорини маҳаллий дори-дармонлар билан тўлдириш мақсадида соҳа учун кимё-технолог, биотехнолог, муҳандис каби қатор мутахассислар тайёрлаш бўйича мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда клиник тадқиқотларнинг ривожланган мустаҳкам базаси мавжуд. Янги дори воситалари ва фаол таъсир қилувчи моддаларни яратиш соҳасида тадқиқотларни амалга оширувчи қатор илмий тадқиқот институтлари ва марказлар фаолият кўрсатмоқда. Энг муҳими, маҳаллий хом ашёдан табиий шифобахш дори-дармонлар ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Фақат охирги уч йилда ўзимизнинг фармацевт олимларимиз томонидан 40 дан ортиқ янги дори воситалари кашф этилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги мамлакатимизда ушбу саноат тармоғининг нақадар ривожланиб, юксалиб бораётганидан далолатдир.

Бу каби ижобий натижаларнинг барчаси истиқлол йилларида тиббиёт соҳасида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар самарасидир. Бугунги кунда мутахассисларимиз томонидан маҳаллий хом ашёдан сифатли, табиий ва самарали дори воситалари ишлаб чиқарилиб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида янада чуқурроқ изланиш, тажриба ва таҳлиллар олиб борилмоқда. Зотан, мамлакатимиз раҳбари бошчилигида яратилаётган имкониятлар, юртимизда инсон саломатлигини асрашга бўлган эътибор ва чексиз ғамхўрлик фармацевт мутахассисларимизни ана шундай фидойиликка ундамоқда.

Фурқат САНАЕВ.

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Форумда япониялик ишбилармонлар Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти, нефть-газ, кимё саноати, электр техникаси, ахборот-коммуникация технологиялари каби соҳалардаги ҳамкорлик имкониятлари билан танишди. Меҳмонларга мамлакатимизга сармоя жалб қилишнинг истиқболли йўналишлари, бизнес юритиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш омиллари, "Навоий", "Жиззах" ва "Ангрен" индустриал зоналаридаги қулайлик ва имтиёзлар тўғрисида маълумот берилди.

— Япония Ўзбекистон билан кенг кўламли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарайди, — деди Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония — Ўзбекистон қўмитаси раиси, "Марубени" корпорацияси раисининг ўринбосари Мамору Секияма. — Чунки Ўзбекистон тез ривожланаётган ва иқтисодиёти барқарор давлат. Кейинги 9 йил давомида мамлакатингизда ялпи ички маҳсулот ўсиши 8 фоиздан кам бўлмай келаётгани диққатга сазовор. Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми тобора ўсиб бормоқда. Мамлакатларимиз ушбу кўрсаткичларни янада ошириш борасида катта салоҳиятга эга. Мазкур форум ўзаро иқтисодий ҳамкорлигимизнинг янги қирраларини кашф этиш, фойдали келишувларга эришиш ва ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Бизнес-форумда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, жумладан, транспорт, банк сектори, ахборот-коммуникация технологиялари, сайёҳлик, озиқ-овқат, енгил саноат, тўқимачилик ва ёқилғи-энергетика соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Анжуманда Японияннинг йирик компаниялари вакиллари иштирок этгани ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиши катта эканидан далолатдир. «Марубени», «Иточу», «Мицубиси», «ЖОГМЕК», «НЭК», «Тойо Инжиринг», «Соджиц», «Сумитомо» каби компаниялар вакиллари Ўзбекистон бозоридаги ўз фаолиятини йўлга қўйиш ва кенгайтириш ниятида эканини қайд этди.

Шу куни Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Япония ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган бир қатор товарларни экспорт қилиш бўйича шартномалар тузилди.

Япония делегацияси ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги «Ўзинфоинвест» агентлиги ҳамда Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO) ўртасида меморандум имзоланди.

Ирода УМАРОВА,
Бобур ОБИДОВ,
ЎзА мухбирлари.

АНЖУМАН

Халқаро диетологларнинг тавсиясига кўра, инсон истеъмол қиладиган озиқ-овқатнинг камида 50 фоизини мева ва сабзавотлар ташкил этиши зарур. Ушбу мезон билан ўлчанганда, мамлакатимиз аҳолисининг бундай неъматларга бўлган эҳтиёжи ортиғи билан таъминланмоқда.

Ёз неъмати

қишда ҳам дастурхонимизга файз бағишлайди

Негаки, Ўзбекистонда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот етиштирилиб, аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келаяпти.

Бундан маълум бўладики, республикамиздаги бу борадаги кўрсаткич оптимал, яъни мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўпдир. Энг муҳими, дала ва боғ неъматларини истеъмолчиларга йил давомида арзон нархларда етказиб бериш йўлга қўйилган. Бунда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Дарҳақиқат, унинг асосий фаолияти озиқ-овқат, айниқса, сархил мева-сабзавот маҳсулотларини улгуржи харид қилиш, сақлаш ва аҳолига узлуксиз ҳамда кафолатли равишда етказиб беришдан иборат. Айтайлик, ўтган йили уюшма тизимидаги улгуржи базалар томонидан 65 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захираси яратилиб, қиш ва баҳор ойларида республикамиз аҳолисига арзон нархларда тақдим этилди. Уларнинг сифатли сақланишида 60 минг тонналик совитиладиган ҳамда 116 минг квадрат километрлик совитилмайдиган омборхоналар мавжудлиги қўл келди.

Уюшма томонидан 2014/2015 йил қиш-баҳор мавсуми учун 70 минг тоннага яқин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шу жумладан, 17,5 минг тонна картошка, 17,2 минг тонна пиёз, 14,2 минг тонна сабзавот, 9,2 минг тонна мева ва полиз, қарийб 11,5 минг тонна гуруч ҳамда дуккакли дон маҳсулотлари захирасини яратиш кўзда тутилган. Шу мақсадда бугунгача фермер ва деҳқон хўжаликлари билан умумий қиймати 15 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди.

Бу ҳақда Тошкент шаҳрида ташкил этилган матбуот анжуманида маълумот берилди.

— "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси тизимидаги корхоналар томонидан интенсив боғлар яратилиб, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик каби тармоқларнинг йўлга қўйилаётгани озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини кўпайтиришимизда муҳим омил бўлаяпти, — дейди уюшма раиси ўринбосари Равшан Ҳамидбеков. — Масалан, интенсив боғ барпо этиш учун ажратилган 122 гектар майдонда 100 минг тупга яқин турли мевали дарахтлар ўтқазилди. Улар ўтган йилдан ҳосил бера бошлади. Бундан ташқари, 300 гектар ер майдонида шоли, 800 гектарда бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирилаяпти.

Уюшма ташаббуси билан жорий йилда тажриба тариқасида Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги 100 гектар майдонда қовуннинг эртапишар "Жиян" нави етиштирилгани ўзини тўла оқлади. Гап шундаки, экин интенсив технология асосида парваришлангани туфайли ҳосил муддатидан бир ой олдин пишиб етилди. Тилими тилни ёрадиган бу қовунларга ташқи бозорда талаб ортиб, замонавий технологиялар ёрдамида қадоқланган ҳолда Россия, Германия ва Европанинг бошқа мамлакатларига экспорт қилинди.

Анжуманда шу каби истиқболли лойиҳаларни мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам амалга ошириш, замонавий совитиш камераларини бунёд этиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилди.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хусусийлаштириш амалиётининг соддалаштирилиши

кичик бизнес субъектлари равнақига хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, қарорга мувофиқ, 64 та фойдаланилмаётган давлат мулки объектини "Кимошди" савдоси орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш мўлжалланган бўлса, ҳозирги кунгача уларнинг 24 таси баҳоланиб, оммавий савдоларга чиқарилди. 40 та объект бўйича эса баҳолаш ишлари олиб борилмоқда.

Бугунги кунда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлганлар учун бино ва иншоотларни инвестиция мажбурияти эвазига "нолинчи" харид қийматида сотиш тажрибаси ҳам амалиётда яхши самара бераяпти. Шундан келиб чиқиб, 164,1 миллиард сўм инвестиция киритиш ва 4256 та иш ўрни яратиш шарти билан 121 объектни шундай тарзда ишбилармонларга бериш шартлари тасдиқланди.

Бундан ташқари, ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш келгусида кичик саноат зоналарини барпо қилиш учун ўртача 0,2-0,3 гектарлик 57 та ер майдони ажратилаётгани ҳам тадбиркорлик субъектларига қўшимча имконият яратади.

Қарорда давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартибларини янада соддалаштириш назарда тутилган. Айтайлик, оммавий савдоларга чиқарилган давлат мулки объектларига 6 ой ичида талабнома тушмаган тақдирда, унинг қийматини босқичма-босқич 10 фоиздан пасайтириш йўли билан 50 фоизгача камайтириш мумкинлиги, агар шунда ҳам объект уч ой давомида сотилмаса, уни инвестиция мажбурияти ҳамда янги иш ўринлари яратиш шарти билан "нолинчи" харид қийматида сотиш белгиланганги бу борадаги ишларни жадаллаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Анжуманда, шунингдек, мазкур жараён учун муҳим бўлган яна бир ҳужжат — Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги "Зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарнинг фойдаланилмаётган ортиқча ер ва ишлаб чиқариш майдонларини янада оптималлаштириш чоралари тўғрисида"ги қарори юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МОДЕРНИЗАЦИЯ

Узун туманидаги "Тоғаев Мирзо" хусусий корхонаси нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Яқинда кичик бизнес субъектига қарашли цехлар модернизация қилиниб, эски технология ҳамда ускуналар алмаштирилди.

Йилига юз миллион сўм тежалади

— Янги печларнинг афзаллиги кўп, — дейди тадбиркор Мирзо Тоғаев. — Масалан, олдинги ускуналарда 1 соат давомида 45 киловатт электр энергияси сарфланган бўлса, илғор технологиялар 12 киловатт энергия билан ҳам бемалол ишламоқда. Ҳисоб-китобларимизга кўра, ушбу тежамкор печлар эвазига йил давомида 100 миллион сўм маблағни иқтисод қиларканмиз.

Умуман, туманда жорий йилнинг олти ойи давомида саноат йўналишида қиймати 4131,0 миллион сўмлик 28 та лойиҳа рўёбга чиқарилди.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Меҳр-оқибат ва осойишталик қўрғони

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кенг шарт-шароит ҳамда имкониятлар яратиб берилган, — дейди хусусий тадбиркор Мавлуда Исмоилбоева. — Ишни бошлашдан олдин маслаҳат сўраб, маҳаллага чиқдик. Фаоллар бизни қўллаб-қувватлади. Шундан сўнг қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган хусусий корхонани ишга туширдик. Бу ерда маҳалла ёшларидан 15 нафари меҳнат қилмоқда. Улар ишлаб чиқараётган 35 турдаги қандолат маҳсулотлари буюртма асосида эгаларига етказилмоқда. Айни чоғда махсус дўкон очиб, савдони йўлга қўйдик. Тез орада фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятимиз бор. Бунда ҳам, албатта, маҳалла фаолларининг кўмагига таянамиз.

Ана шундай илиқ таассуротлар билан фуқаролар йиғинига йўл олдик. Мақсадимиз — шу эзгу ишларга бошқош бўлиб келаётган маҳалла фаоллари фаолияти билан яқиндан танишиш. Кўча бошиданоқ маҳалла гузари кўринди. Унинг атрофи шунга мос равишда ободонлаштирилган. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор Абдулазиз Қирғизбоевни шу ерда учратдик. У фаоллар билан янги ғоялар устида ишлаётган экан.

Йиғин идораси ҳам ташқи орасталикка уйғун. Шинамгина хоналар. Бир нечта телефон, факс, телевизор ва учта компьютер жамламаси йиғин аъзолари ихтиёрида.

Фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида шу йилнинг биринчи ярмида фонднинг ҳудудий тузилмалари томонидан 421 фуқаролар йиғини компьютерлар, 488 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди. Айни чоғда 67 та фуқаролар йиғини биноси реконструкция қилинди, 8 таси янгидан қурилди.

— Болажон халқмиз, нима бўлса, фарзандларга бўлсин, деймиз, — дейди Абдулазиз Қирғизбоев. — "Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, яқинда ҳудудимизда жойлашган Авиасозлар даҳасидаги 1 ва 2-уйлар ҳовлисида болалар спорт майдончасини барпо этдик. Болажонлар бу ерда турли спорт турлари билан шуғулланишмоқда. Айни чоғда уларнинг ёзги таътилини мароқли ташкил этиш мақсадида мактабда кундузги оромгоҳ очиб, зарур шарт-шароитлар яратишга кўмаклашдик. Ёшларнинг одоб-ахлоқи ва бандлиги масаласи ҳам доимий эътиборимизда бўлиб келмоқда. Шу мақсадда ҳудудимизда истиқомат қилувчи 1664 нафар ёшнинг ҳар бири билан тез-тез суҳбатлашиб турамиз. Бу амалда самара бераяпти. Гап шундаки, ўрганиш натижасида маълум муддат ишсиз қолган ёшларни турли марказлар, корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлар ёрдамида бошқа касб эгаллаши учун курсларга йўналтираяпмиз. Жорий йилнинг биринчи ярми давомида аниқланган 12 нафар банд бўлмаган йигит-қизни ҳамкорларимиз кўмагида ишга жойлаштирдик.

Халқимизда "Бола одоби билан азиз", деган нақл бор. Бирлашган маҳалласи фаоллари бу борада ҳам бир қатор хайрли ишларга қўл уришмоқда. Ёшларни "оммавий маданият", диний экстремизм, миссионерлик ва ақидапарастлик каби иллатларнинг зарарли таъсиридан ҳимоялаш мақсадида эл ардоғидаги инсонлар иштирокида учрашувлар ҳамда давра суҳбатлари ўтказилмоқда. "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида" ҳамда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонунлар мазмун-моҳияти атрофлича тушунтириб берилаётгани ҳудудда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда айни муддао бўлаяпти.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент: 12 — 14 август кунлари "Камолот" ЁИҲ ташаббуси билан "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида "Истиқлол фарзандлари" ёшлар фестивали бўлиб ўтади.

Дилларда байрам шукуҳи, ифтихор ҳисси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкиллаштирилган мазкур тадбир истироҳат боғлари ҳамда хиёбонларда халқ сайиллари, концерт дастурлари ва бошқа маданий-маърифий анжуманларни юқори даражада ташкил этишдаги намунали тажрибаларни оммалаштиришни кўзда тутади.

Айтиш жоизки, аҳолининг маданий дам олиши ва кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун зарур шарт-шароитларни яратишга "Соғлом бола йили" Давлат дастурида ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур Дастур ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрдаги "2011 — 2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида маданият ва истироҳат боғлари замон талаблари асосида қайта ташкил этилаётир. 2015 йил якунигача маданият ва истироҳат боғларининг сони 225 тага етказилиши кўзда тутилган. Бу билан ўртача 8 мингга яқин иш ўринлари яратилади.

Тадбирнинг айнан Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилиши бежиз эмас. 22 гектар майдонни эгаллаган мазкур масканда 2 та кўл, 2 та қайиқлар бекати, 60 дан ортиқ аттракцион, 3 та маданий тадбир ўтказиш саҳнаси ва 2 та спорт майдончаси, компьютер ўйинлари хонаси, фотостудия ҳамда бошқа имкониятлар мавжуд бўлиб, бу ерда аҳолига замон талаблари даражасида хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Боғда фаолият юритаётган бадиий ҳаваскорлик жамоалари, тўгараклар қатнашчилари ижросида концерт дастурлари намойиш этиб келинаётгани ҳам каттаю кичикка байрамона кайфият улашмоқда. Боғдаги махсус курс, спорт тўгараклари ва ҳаваскорлик ижодий жамоаларига мингдан ортиқ доимий қатнашчи жалб қилинган.

Анжуман иштирокчилари маданият ва истироҳат боғларида янги шакл ҳамда услубдаги маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш, томоша майдонлари ва амфитеатрларда мумтоз, эстрада, фольклор йўналишларидаги концерт дастурларининг намойиши, аҳолига кўрсатиладиган сервис хизмати турларини кўпайтириш орқали янги иш ўринларини яратиш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишдилар.

Сайил давомида оилавий тадбиркорлар ва касаначиларнинг бадиий ҳунармандчилик ишлари бўйича кўргазмалари, "Китоб савдоси" ҳамда "Қўғирчоқлар дунёси" кўргазма-савдоси йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қўшиқларда она-юрт мадҳи

Ўзбекистон давлат консерваториясида мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловининг Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги босқичи бўлиб ўтди.

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!

Тадбирда таъкидланганидек, истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг куч-ғайрати ва салоҳиятини яратувчанлик ҳамда бунёдкорлик ишларига йўналтириш, иқтидорини янада ривожлантириб боришга устувор мақсад сифатида эътибор қаратилмоқда. 2009 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танлови ҳам бу борадаги эзгу орзу-умидларни рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, мазкур тадбир туфайли кўплаб истеъдодли ёшларимиз Ватан мадҳига бағишланган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратиб, ижро этишмоқда. Ўтган йиллар мобайнида ушбу кўрик-танловда иқтидорини синовдан ўтказган йигит-қизлар бугунги кунда санъатнинг турли йўналишларида самарали ижод қилишаётир.

Бу йилги кўрик-танловнинг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги ҳудудий босқичларида 3912 нафар ёш хонанда, 38 та бадиий жамоа қатнашди. Танловнинг якуний босқичида ҳаваскорлик жамоалари, академик ва халқ бадиий жамоалари хонандалари ва яккахон ижрочилар Ўзбекистонимизни кўз қорачиғидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш энг олий бурч эканлиги ҳамда тинч ва осойишта ҳаётни қадрлашга ундовчи куй-қўшиқларни ижро этдилар.

Танлов якунларига кўра, қорақалпоғистонлик Сададдин Сапаев "Туғилган ер", Тошкент шаҳридан Дилдора Мирсодиқова "Шодиёна", Навоий вилоятидан Серижон Жанаҳметов "Она юртим" қўшиғи учун биринчи ўринни қўлга киритди. Энди ғолиблар кўрик-танловнинг мамлакат босқичида қатнашади.

Д. СОДИҚОВ.

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

Qishloq Qurilish Bank

юртдошларимизни
Мустақиллигимизнинг яқинлашиб келаётган 23 йиллик байрами билан қутлайди!

Энг улуғ ва энг азиз айём барчага тинчлик-тотувлик, оилавий хотиржамлик олиб келишини тилайди ва қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА

«Янгилик»
Омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади.

«Баракали мавсум»
Омонатга маблағлар 2 — 6 ойга қабул қилинади.

«Фойда»
Омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади.

«Файзли»
Омонатга маблағлар 4 — 6 ойга қабул қилинади.

«Даромадли»
Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

«Яхши ният»
Омонатга маблағлар 12 — 24 ойга қабул қилинади.

Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

«Талаба»
Омонатга маблағлар 14 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб берилади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:

«Финанс»
Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонатчи талабига кўра, ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

«Капитал»
Омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

«Фортуна»
Омонатга маблағлар 1 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

«Мадад»
Маблағлар 12 ойдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.

«Хонадон»
Маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади.

«Қурилишга бошланғич бадал»
Муддати — 1 йил.

Ушбу омонат турларига банкнинг барча филиалларида маблағлар қабул қилинади.

Батафсил маълумот билан «Қишлоқ қурилиш банк»нинг расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатингиз:
- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Мурожаат учун телефонлар:
(+99871) 150-76-53,
150-39-93.
www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

1199A/566

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ

маъмурий бино атрофидаги темир панжараларга қўриқлаш сигнализация мосламаларини ва зарур жойларга видеоназорат тизими камераларини ўрнатиш бўйича танлов эълон қилади.

Таклифлар техник ва тижорат қисмларга ажратилиб рақамланган, тикилиб муҳрланган ҳамда ёпиқ муҳрланган конвертларда устки қисмига танлов номи тўлиқ кўрсатилган ҳолда топширилиши шарт.

Таклифларнинг техник ва тижорат қисмлари конвертлари устки қисмига мос равишда «Техник қисми» ва «Тижорат қисми» сўзлари ёзилган бўлиши шарт.

1. «Техник қисми» сўзлари ёзилган пакетга техник талаблар бўйича ҳужжатлар жойлаштирилган бўлиши лозим.

2. «Тижорат қисми» сўзлари ёзилган пакетга тижорат талаблари бўйича ҳужжатлар жойлаштирилган бўлиши лозим.

Танлов бўйича таклифлар 2014 йил 16 август куни соат 17.00 га қадар қабул қилинади.

Танлов ҳужжатларини сотиб олиш баҳоси — 200 000 сўм.

Тўлов буюртмачининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Қўшимча маълумотлар ва танлов ҳужжатларини олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Т. Қайипбергенов кўчаси, 57-уй.
Телефонлар: (8-361) 224-01-19, 224-16-98.
х/р: 21506000103765250002, МФО: 00015, ОКОНХ: 97200, СТИР: 202030050, Нукус ш., Марказий банк бўлими.

1206A/583

«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2006 йил 6 мартдаги 1-88/2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Мичурин дала ҳовличилар» ҳудудида жойлашган, 1 қаватли, айвон, шийпон (беседка), бассейн, ёзги ошхонадан иборат бўлган 67-сонли дала ҳовли қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 98 387 121 сўм.

2. Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2013 йил 19 ноябрдаги 11-5379/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мусаффо кўчаси, 25-«А» уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 62,52 кв.м., тураржой майдони 50,37 кв.м., 3 та хонадан иборат бўлган уй-жой (ҳовли) қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 70 000 000 сўм.

3. Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани СИБ томонидан 2013 йил 13 декабрдаги 1-3213/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 39-уйда жойлашган, умумий майдони 73,73 кв.м., 4 та хонадан иборат бўлган 10-хонадон қўйилмоқда
Бошланғич баҳоси — 209 700 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 12 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Такрорий аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Учтепа тумани СИБ томонидан 2011 йил 3 февралдаги ижро варақаси ва ажримига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 2-мавзе, Қора йўл кўчасида жойлашган, умумий майдони 2688 кв.м. бўлган 5 қаватли маъмурий бинонинг 1-қавати, яъни «А» блок, 2-корпуси.
Бошланғич баҳоси — 899 058 601 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 2-мавзе, Қора йўл кўчасида жойлашган, умумий майдони 1370 кв.м. бўлган 5 қаватли маъмурий бинонинг 4-5-қаватлари.
Бошланғич баҳоси — 758 011 737 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани СИБ томонидан 2012 йил 24 майдаги СБ84/12-сонли ҳамда 2013 йил 26 декабрдаги 10-1312/19444-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Жарқўрғон кўчасида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 4679,0 кв.м., умумий майдони 2420,0 кв.м., фойдаланиш майдони 1347,83 кв.м. бўлган бешта бино ва тўртта иншоотдан иборат кўчмас мулклар.
Бошланғич баҳоси — 1 074 813 000 сўм.

4. Тошкент шаҳар СИБ томонидан 2014 йил 23 мартдаги 1-12/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ks Ind» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Примқулов кўчасида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 41055,95 кв.м., қурилиш ости ер майдони 9773,0 кв.м., фойдаланиш майдони 10989,83 кв.м., асосий бинолар сони 20 та бўлган бино-иншоотлар ва 6 турдаги дастгоҳлар:
- металл чўзадиган дастгоҳ (волочильный станок) 2 (R.B.D) 8 мм.дан 1 мм.гача.;
- металл чўзадиган дастгоҳ (волочильный станок) 1 (Rolling machine) 16 мм.дан 8 мм.гача;
- экструдер (EXTRUDION VA-CHINE) QLBG-650 №0110/1500N/1-8мм;
- индукцион типидаги мис эритадиган печка (UPWARD CUSTING);
- 2316-V0001 типидаги электр жиҳози (электрическое оборудование) (ZWICH ROeli Z020 RESISTOMAT 2316 Burster);
- дизель генератори (Disel Generator Aksa model APD 550C) дан иборат бўлган кўчмас мулклар ва дастгоҳлар мулкий мажмуа сифатида.

Бошланғич нархи — 7 647 230 298 сўм.

5. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Уйғур кўчаси, 532-уйда жойлашган, ер участкасининг майдони 1340 кв.м., умумий майдони 1950,0 кв.м.дан иборат 1 қаватли, ертўлали савдо дўкони.
Бошланғич баҳоси — 1 434 001 065 сўм.

6. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қизил сув кўчаси, 107-«А» уйда жойлашган, ер участкасининг майдони 5411,0 кв.м., бинонинг умумий майдони 1518,0 кв.м., фойдаланиш майдони 1666 кв.м.дан иборат маъмурий бино ва омборхона бинолари.
Бошланғич баҳоси — 734 298 360 сўм.

7. Тошкент шаҳар СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг 2013 йил 21 августдаги 403/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўксарой» ҚФЙда жойлашган, «Mavlonbek Alibek» МЧЖга қарашли, ер участкасининг майдони 5,74 гектардан иборат литер 0001 дан литер 0026 гача бўлган ферма бино-иншоотлар.
Бошланғич баҳоси — 833 531 140 сўм.

Такрорий аукцион савдоси 2014 йил 26 август куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдо ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.
Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.

Хизматлар лицензияланган.

12118/562

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Жорий йилнинг иккинчи чорагида "Chrysler Group LLC" автомобилсозлик компанияси кўрган фойда ҳажми аввалги уч ойдаги кўрсаткичга нисбатан 22 фоиз ўсиб, 619 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Натижалари ижобий

Бунда унинг юк ташиш ва мураккаб йўлларда ҳаракатланишга мослаштирилган машиналарига талабнинг сезиларли даражада ортгани муҳим омил бўлди. Корхона апрель — июнь ойларида қарийб 723 минг дона автомобиль сотиб, умумий ҳисобда 20,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ишлаб олган.

Таҳлилчилар бу натижа "Chrysler Group LLC"нинг йиллик натижаларига ҳам ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлаб, компания 2014 йил якунлари бўйича 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида соф фойда кўришини башорат қилишмоқда.

Мавқеини мустаҳкамлади

"Xiaomi" компанияси 2014 йилнинг иккинчи чорагида Хитойда энг кўп смартфон сотган корхонага айланди.

У мазкур даврда 15 миллион дона мобиль қурилма етказиб бериб, аввалги етакчи — Жанубий Кореянинг "Samsung" (қарийб 13 миллионта) компаниясини ортда қолдирди.

Хитой жаҳондаги энг йирик смартфон бозори ҳисобланади. Биргина шу йилнинг иккинчи чорагида ушбу мамлакатда умумий ҳисобда 292,4 миллион дона смартфон пулланган.

Дунё бозорида Жанубий Корея компанияси 26 фоизлик улуш билан ҳамон биринчи бўлиб турибди. Ундан кейинги ўринлардан "Apple" (12 фоиз), "Huawei" (7 фоиз), "Lenovo" (5 фоиз) ва "Xiaomi" (5 фоиз) жой олган.

Суюқ «хотира»

Нью-Йорк университети олимлари маълумотлар сақлашга ихтисослаштирилган янги технологияни омма эътиборига ҳавола этишди.

"Wet computing" дея номланган ушбу кашфиёт суюқлик шаклида. У махсус қурилмалар орқали компьютер ёки мобиль алоқа воситаларига уланади. Эритма таркибида кўплаб нанозаррачалар мавжуд бўлиб, унинг бир ошқошиғи террабайт маълумотни ўзида сақлай олади.

Бу технология магнит дискларга нисбатан анча қиммат. Шу боис тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

Митти эшитиш мосламаси

Олимлар "Ormia ochracea" дея номланган пашша турининг эшитиш аъзоси асосида энг митти ва сезгир эшитиш мосламасини яратишди.



Икки миллиметрдан узунроқ мазкур мослама жуда суст товушларни ҳам илғаб, шовқинда ҳам одам овозини ажрата олади.

Мутахассисларнинг фикрича, бу технология келгусида эшитиш қобилияти сусайган одамлар учун жуда кичкина, қулай ҳамда кам энергия сарфлайдиган мосламалар тайёрлаш имкониятини берар экан.

Самолёт қулаб тушди

Франциянинг Сен-Жан-ле-До-Жумо коммунаси (маъмурий ҳудуд)да енгил моторли сайёҳлик самолётининг қулаб тушиши оқибатида икки киши ҳаётдан кўз юмди. Улардан бири лайнер учувчисидир.

Бу ҳақда "Франс Пресс" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Фалокат юз берган вақтда самолёт бортида жами беш киши бўлган. Улардан уч нафари турли даражада жароҳатланган.

Воқеа сабаблари ҳозирча номаълум.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати жамоаси масъул ходим Акбархон Аббасович Юлдашевга отаси
АББОСХОН отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мавсум: Август ойи ҳосил салмоғини ошириш учун энг қулай, айни пайтда, ўта масъулиятли давр ҳисобланади. Тажрибали деҳқонлар бот-бот таъкидлаганларидек, "Август ойида қилинган меҳнат мўл ҳосил гаровидир".

Жорий йилнинг 16 — 28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасидаги II ёзги Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади. Унда 28 нафар ҳамюртимиз спортнинг ўн тўрт тури бўйича мусобақаларда иштирок этади.

Нуфузли мусобақага қизғин ҳозирлик

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси матбуот хизматидан маълум қилишларича, вакилларимизнинг бўлажак беллашувларга пухта ҳозирлик кўришлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Айни кунларда спортчиларимиз сўнгги ўқув-машғулот йиғинларида қатнашишаяпти. Улардан айримлари ҳақида сўз юритамиз.

Нанкин Олимпиадасининг сузиш бахсларида Ватанимиз шарафини Артём Пухнатий ва Андрей Правдивцев ҳимоя қилади. Ҳар икки спортчимиз ҳозир пойтахтимизда тажрибали тренер Алефтина Решетова қўл остида тайёргарлик кўрмоқда.

— Артём ҳам, Андрей ҳам жуда истеъдодли, — дейди у. — Улар буни Олимпиада йўлланмаси учун Беларуснинг Брест шаҳрида ўтказилган турнирдаёқ исботлашди. Энди зиммаларида янаям катта масъулият турибди. Биз, мураббийлар ҳам шуни ҳис қилган ҳолда машғулотларни бир неча босқичда давом эттираяпмиз. Шогирдларим юқори натижаларга эришишига ишончим комил.

Умидли спортчимиз Артём Пухнатий 1996 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. У ўзининг илк ютуғини 2009 йилда Самарқандда ўтказилган Ўзбекистон қишки очиқ чемпионатида қўлга киритган. Ўша мусобақада Артём иккита олтин медаль билан тақдирланган эди. Шундан сўнг мамлакат чемпионати ва кубоги баҳсларида фаол иштирок этиб, кўплаб совринларга сазовор бўлди. Эндиликда халқаро турнирларда муваффақиятли қатнашиб келаяпти.

Эътиборли жиҳати, Артём юртимизда шаклланган уч босқичли спорт ўйинларида ҳам юқори натижаларга эришган. Жумладан, 2012 йилда Навоий вилояти мезбонлик қилган "Умид ниҳоллари"да учта олтин ва битта кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, яқинда Наманганда ўтказилган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларида иккита олтин ва битта кумуш медални қўлга киритди.

Артём Пухнатий ўсмирлар ўртасидаги II ёзги Олимпиада ўйинларида 200 метр масофага комплекс ва 200 метрга эркин усулда сузиш мусобақаларида ўз иқтидорини намойиш қилади.

Андрей Правдивцев ҳам 1996 йилда туғилган. Республика ва халқаро миқёсдаги қатор турнирлар ғолиби. Унинг совринлари орасида ҳам Навоийда ташкил этилган "Умид ниҳоллари" ва Наманганда бўлиб ўтган "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг қатор медаллари бор.

Андрей Нанкинда 100 ва 200 метрга брасс усулида сузиш бўйича ғолиблик учун кураш олиб боради.

Айтиш жоиз, ўсмирлар ўртасидаги II ёзги Олимпиада ўйинларининг бокс баҳслари ҳам диққатимиз марказида бўлади. Чунки унда уч нафар спортчимиз — Бектемир Меликўзиев, Сулаймон Латипов ҳамда Козимбек Мардонов иштирок этади.

Ўзбекистон бокс федерацияси бош котиби Олимжон Маҳмудовнинг сўзларига кўра, боксчиларимиз айни кунларда федерациянинг Тошкент вилоятида жойлашган спорт базасида тажрибали мураббийлар қўл остида тайёргарлик кўришаяпти. Бу сафарги ўқув-машғулот йиғинлари 10 августга қадар давом этади ва шундан сўнг вакилларимиз Нанкин шаҳрига йўл оладилар.

— Боксчиларимизнинг шашти баланд, кайфиятлари аъло даражада, — дейди О. Маҳмудов. — Улар нуфузли мусобақада ғолибликка эришиб, мустақиллигимизнинг 23 йиллик тўйига муносиб туҳфа ҳозирлайдилар, деган умиддамиз.

Мураббийларнинг ёш чарм қўлқоп усталари имкониятини юқори баҳолаб, улар маҳоратини алоҳида эътироф этаётгани, ишонч билдираётгани бежиз эмас. Чунки уч нафар спортчимиз ҳозирга қадар ўзлари иштирок этган деярли барча мусобақаларда совриндор бўлиб, мутахассислар назарига тушишган. Масалан, фарғоналик Бектемир Меликўзиев тезкорлиги билан ажралиб туради. Зарбаси жуда кучли. У халқаро майдондаги илк муваффақиятини 2012 йили Озарбайжонда ўтказилган турнирда қўлга киритган, кумуш медаль билан тақдирланган. Шундан сўнг Таиланд, Сербия каби қатор давлатлар мезбонлик қилган халқаро мусобақаларда ҳам совриндорлар сафидан жой олган.

Йилдан-йилга тажриба ва маҳорати ошиб бораётган Бектемир учун 2014 йил муваффақиятларга бой бўлмоқда. Дастлаб Бангкок шаҳри (Таиланд)да ўтказилган Осиё чемпионатида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган истеъдодли боксчимиз апрель ойида София шаҳри (Болгария)да ташкил этилган жаҳон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлди. Наманган вилояти мезбонлик қилган "Баркамол авлод — 2014" спорт ўйинларининг республика босқичида ҳам ғолиблик нашидасини сурди.

Шу ўринда Бектемир Меликўзиев билан боғлиқ яна бир янгиликни айтиб ўтсак. Ўсмирлар ўртасидаги II ёзги Олимпиада ўйинларининг очилиш маросимида Ўзбекистон байроғини стадион бўйлаб олиб ўтиш вазифаси айнан Бектемирга юклатилди. Аслида спортчи учун бундай нуфузли мусобақаларда иштирок этишнинг ўзи катта шараф. Унинг халқаро миқёсдаги тантанада Ватан байроғини кўтариши эса қўшалоқ қувончдир. Шубҳасиз, бу онлар ёш боксчимиз ҳаётидаги энг унутилмас воқеалардан бири бўлиб қолади.

Сулаймон Латипов Бухоро шаҳрида туғилган. Жуда иқтидорли боксчи. У халқаро мусобақалардаги илк совринини ўтган йили ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида қўлга киритган. Ўшанда кумуш медаль билан тақдирланган эди. Жорий йилда Болгарияда кечган жаҳон чемпионатида, шунингдек, Сербияда бўлиб ўтган анъанавий халқаро турнирда ҳам иккинчи ўринларни эгаллади.

2013 йилги Осиё чемпионати ғолиби Козимбек Мардонов Фарғона вилоятидан. Жорий йилда қатор муваффақиятларга эришаётган спортчилар ҳақида сўз кетса, унинг номи ҳам алоҳида тилга олинади. Хусусан, Козимбек дастлаб Таиландда ташкил этилган қитъа чемпионатида барча рақибларидан устун келиб, ўтган йилги натижаси тасодиф эмаслигини исботлади. Болгарияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида эса кучли учликдан жой олди. Сербиядаги халқаро турнирда шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Энди унинг асосий мақсади ўсмирлар ўртасидаги II ёзги Олимпиада ўйинларида ғалаба қозониш.

Биз ҳам барча спортчиларимизга Нанкинда зафарли одимларини давом эттиришларини тилаб қоламиз.

Шавкат ОРТИҚОВ.

БУНЁДКОРЛИК

Фиждувон тумани "Армичан" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 44-умумтаълим мактаби учун замонавий спорт зали қурилди.

Замонавий спорт маскани

Мазкур иншоот Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилган 409 миллион сўм миқдоридаги маблағ эвазига барпо этилди. Ҳозир бу ерда спортнинг ўнга яқин тури билан шуғулланиш имконияти мавжуд. Қолаверса, жамғарманинг вилоят филиали ушбу мактабга ўттиз миллион сўмликка яқин спорт жиҳозлари ҳам ажратди. Натижада иншоотда йилнинг исталган фаслида машғулотларни тўлақонли ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ижод завқи

Шаҳрисабзлик ёш ҳунарманд Алишер Машрапов Темурийлар даврида бунёд этилган Кўкгумбаз, Оқсарой тарихий обидаларининг ёғочдан ишланган кичик намунасини яратди.

ИСТЕЪДОД

Хорижий сайёҳлар, тарихчилар ҳамда соҳа мутахассисларини қизиқтириб қўйган бу асарлар энди чет элдаги нуфузли музейларнинг қиймат-баҳо экспонатлари қаторидан жой олиши мумкин.

— Ҳозир Шаҳрисабздаги "Дор ус-саодат" мажмуаси ичида жойлашган Жаҳонгир мақбараси, Амир Темур саганаси ва Ҳазрати Имом масжиди кўринишини акс эттириш устида ишлаяпман, — дейди Алишер. — Бундан ташқари, "Дор ут-тиловат" мажмуасидаги Шайх Шамсиддин Кулол, Гумбази Саидон мақбараларининг мўъжаз шаклини ёғоч ва гипс ёрдамида яратишга ҳаракат қилаяпман.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

• РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР •

XALQ BANKI

STANDARD & POOR'S RATINGS SERVICES

халқаро рейтинг агентлиги 2014 йил август ойида

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг

халқаро кредит рейтингини

B+/B «Барқарор»

даражасида қайта тасдиқлади.

1203R/235

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Сирдарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

I. Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 27 январдаги 12-1113/15052-сонли, 2011 йил 30 декабрдаги 21-1102/13424-сонли, 2011 йил 19 сентябрдаги 12-01103//7993-сонли, 2012 йил 9 январдаги 12-1102/12828-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Гулистон шаҳри, Н. Маҳмудов кўчаси, 66-уйда жойлашган, умумий майдони 1 063,84 кв.м.дан иборат маъмурий бино ва бошқа иншоотлар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 541 863 403 сўм.

II. Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Гулистон тумани судининг 2014 йил 10 февралдаги 1-03-2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Гулистон шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчасида жойлашган кўчмас мулклар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда:

1. Умумий майдони 1 526,67 кв.м. бўлган «Аср» чойхонаси биноси.

Бошланғич баҳоси — 375 989 127 сўм.

2. Умумий майдони 675,0 кв.м., қурилган жой участкаси 635,85 кв.м. бўлган «Ичан қалъа» ресторани биноси.

Бошланғич баҳоси — 678 653 408 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 26 август куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 22 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 3-уй, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz

12028/1453

Хизматлар лицензияланган.

Билдиришнома

«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 19 июлдаги 140 (6070)-сонидаги эълонда аукцион савдосига қўйилган «Samarqand» очиқ акциядорлик тижорат банкига тегишли мол-мулклар савдоси тўхтатилганлиги маълум қилинади.

Асос: Самарқанд шаҳар суд ижрочиларининг 2014 йил 16 июлдаги 47/15495-сонли хати.

«Қибрай» клиник санаторийси

юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.

Фин, турк, япон сауналари, бассейн ва жакузи ванналар мавжуд.

Сиҳатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар яратилган. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.

Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Манзилимиз: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.

Тел.: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.

47/6

«Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Суд департаменти Бухоро шаҳар бўлими томонидан Бухоро вилояти хўжалик судининг 2012 йил 10 декабрдаги 20-1203/23268-сонли, 2013 йил 1 февралдаги 20-1302/1979-сонли, 2014 йил 9 июндаги 20-1401/7569-сонли, 2013 йил 7 июндаги 20-1303/5287-сонли ҳамда 2014 йил 5 июндаги 20-1405/4578-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Монтажчи» УКга тегишли, 2007 йилда ишлаб чиқарилган «PD320Y-1» русумли занжирли бульдозер қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 412 892 181 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 9 сентябрь куни соат 11.00 да «Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖ савдолар залида бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига қўйилган бульдозер билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдога бир кун қолганда тўхтатилади.

Юқоридаги бульдозер 2014 йил 9 сентябрдаги аукционда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий савдоси 2014 йил 24 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖнинг Давлат-тижорат Халқ банкининг Бухоро шаҳар амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000405017774001, МФО: 00116, СТИР: 302485226.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Қўшимча маълумотлар учун «Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖга қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават. Телефон: (8-365) 221-54-43.

1180A/625

Гувоҳнома № 0000034.

WWW.XS.UZ Норвегиянинг Тромсё шаҳрида бўлиб ўтаётган Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасида Ўзбекистон вакиллари ҳам муносиб қатнашаяпти.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 79 367 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.25 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5